O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 4 май, № 87 (4240) Жума

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ



***Истиқлол нури Қорақалпоғистон Республикасини ҳам тараққиётнинг ойдин йўлига олиб чиқди, битмас-туганмас хазиналарига калит солди. Бунёдкорлик фалсафаси туфайли бу ерда кўплаб корхоналар қурилди, янги темир йўл йўналиши очилди, азим кўприклар солинди. Энг илғор хорижий давлатлар компаниялари эса айни чоғда Устюртда бир неча ўн йилларга мўлжалланган улуғвор лойиҳаларни амалга оширишга киришмоқда.***

**Фахр**

Бу ўзгаришлар ўз мазмун-моҳияти билан инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бугунги ислоҳотлар эртанги кунимизга асқотадиган, мустақилликни авайлаб-асрайдиган, бошланган буюк ишларни муносиб давом эттирадиган навқирон авлодга хизмат қилади, албатта. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан белгиланган энг муҳим вазифалардан бири эртанги куннинг билимли, комил, ҳар жиҳатдан ақл-идрокли фарзандларини тарбиялашга қаратилган.



Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан марказий оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ журналистлар Қорақалпоғистон Республикасида бўлганимизда, янги авлоднинг келажаги учун бемисл ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Сафар давомида янгитдан қад ростлаган, тубдан таъмирланган мактабларни томоша қилганимизда ҳам, воҳанинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти билан танишганимизда ҳам, олам-олам таассуротлар оғушида қолдик. Бизга мактаб таълимидаги янгиланишларнинг каттаю кичикка қувонч бағишлаётгани, айниқса, кучли таъсир қилди. Республикамизнинг барча вилоятларидан келган халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ҳам Қорақалпоғистондаги янгиланишларга тан беришди. Улар ўзаро суҳбатларда бу ҳақда бир-бирлари билан фикрлашишди, оммалаштирса арзийдиган тажрибаларни эътироф этишди.

(Давоми 6-бетда).



Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

# «ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда юртимизда мингга яқин газета ва журнал, кўплаб радио ва телевидение каналлари, агентликлар ва интернет-нашрлар фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг тарғиботчисига айланди. Ҳозирги шиддатли даврда юз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва холислик билан етказиш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Кенг қамровли ислоҳотлардан кўзлаган бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборат бўлиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, икки йил бурун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти жорий этилди. Ўтган йили ана шу мукофот учун илк халқаро танлов бўлиб ўтган ва унинг ғолиблари — Ватанимизнинг иқтидорли, фаол журналистлари ҳамда мамлакатимиз ҳаётини холис ва ҳаққоний ёритган хорижлик қаламкашлар муносиб тақдирланган эди.



Жорий йилнинг бошида "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун навбатдаги халқаро танлов эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу йил танлов кўлами янада кенгайди – асосий йўналишлар, рағбатлантирувчи номинациялар ва ютуқли ўринлар, ғолибларга бериладиган пул мукофотлари миқдори анча ортди. Бу галги танлов иштирокчилари сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 376 журналист 5 мингга яқин ижодий иши билан иштирок этди.

Биринчи марта энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот таъсис этилди. Ушбу номинацияда ғолибликни қўлга киритган "Қашқадарё" газетаси таҳририяти — бош муҳаррири Нарзулла Равшанов — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг асосий тўрт йўналишлари бўйича совриндорлар ҳам пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**(ЎзА).**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида***

# БОЛА ҲУҚУҚИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



*Кеча қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида "Бола ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний асослари" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарди.*

Дарҳақиқат, юртимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясига оид ўзига хос қонунчилик тизими яратилган. Биргина ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, бу йўналишда қабул қилинган юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти болалар манфаатини кўзда тутади. Бола ҳуқуқлари, аввало, бош қомусимиз, оила, фуқаролик, меҳнат, жиноят кодекслари ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда кейинги икки йилда болалар уйлари ва мактаб интернатларини капитал таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга 6,5 миллиард сўмдан ортиқ давлат ва ҳомийлик маблағлари йўналтирилгани ҳам бу масалага нечоғлик устувор аҳамият берилаётганини кўрсатади. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 54,1 фоиз қилиб белгиланган. Ёш болали оилаларга, кам таъминланганларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар ҳам бюджетнинг катта миқдорини ташкил этмоқда.

Анжуманда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"-ги Қонунни қабул қилиш долзарб вазифалардан бири экани таъкидланди. Иштирокчилар мазкур қонун болаларнинг, шу жумладан, етим ва қаровсиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини кафолотловчи қоида ҳамда бошқа ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтишди.

Шунингдек, болалар қонуний манфаатлари ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол шуғулланаётгани тилга олинди. Хусусан, "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари, "Болалар жамғармаси", "Меҳр нури", "Ҳаёт" нодавлат ташкилотларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ижобий баҳоланди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

— — — — — — — — Қирқиш чизиғи — — — — — — — — Қирқиш чизиғи — — — — — — — —

реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт.

Мувофиқлик сертификати бўлмаган ва яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ҳамда йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланади.

**21-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш шартлари**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фақат ўралган тарзда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этилган ҳолда олиб кирилиши мумкин.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

**22-модда. Низоларни ҳал этиш**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**23-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 3 май
№ ЎРҚ — 97

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил**

Қирқиш чизиғи

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви:

профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари ўтказишни, йод етишмаслиги касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашни ташкил этишни;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш учун дори воситалари ҳамда препаратларни, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни;

туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлашни давлат томонидан нормалаштиришни;

давлат бошқаруви органларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришни;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласи устидан давлат назоратини ўз ичига олади.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси масалаларига доир фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларини рўёбга чиқаради;

тузни ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш бўйича санитария-эпидемиология талабларини белгилайди;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, олиб кирилиши ҳамда реализация қилиниши мониторингини олиб боради;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;

аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини олиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга тааллуқли давлат стандартларини тасдиқлайди;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

тегишли давлат органларининг аҳолини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан ўз ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 3-боб. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир чора-тадбирлар

**10-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси турлари**

Инсон организмининг йодга бўлган зарурий эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилади.

4

5

# НИДЕРЛАНДИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

***Нидерландиядаги қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юртларидан бири — Вагиненген университетида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари давомидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мавзусига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва мазкур олий ўқув юрти маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Нидерландиянинг академик, жамоат ва иқтисодиёт доиралари вакиллари, шунингдек, Тошкент сув хўжалиги ва мелиорация институти (ТИМИ) ректори, профессор Т.Худойбердиев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда Ўзбекистоннинг 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари, мустақиллик йилларида иқтисодиёт, ташқи савдони эркинлаштириш ва қулай сармоявий муҳитни яратиш борасидаги ютуқларга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, Нидерландия томонининг вакиллари ушбу мамлакат компаниялари учун қизиқиш уйғотаётган масалалар, хусусан, мамлакатимизнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги савдо-сармоявий ҳамкорлик салоҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар олишди.

Тадбир доирасида Вагиненген университети ҳамда Тошкент сув хўжалиги ва мелиорация институти ўртасида ҳамкорлик ҳақида меморандумни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжат икки ўқув муассасаси ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни чуқурлаштириш, талаба ва ўқитувчилар алмашуви, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашишни назарда тутади.

Имзоланган Меморандумга биноан томонлар магистрларни биргаликда тайёрлашади ва битирувчиларнинг дипломлари ўзаро тан олинади. Мазкур ҳужжатда магистрлар бир йил Тошкентда, иккинчи йили Вагиненген университетида таҳсил олишлари ўз аксини топган.

Меморандум имзоланиши муносабати билан Вагиненген университетининг ректори Мартин Кропфф «ҳар икки томон ҳам бугунги воқеага қадар узоқ тайёргарлик кўрганини» таъкидлади.

— Бу ўзаро ҳамкорлик юзасидан ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида олиб борилган узлуксиз музокараларнинг ҳосиласидир, — деди у. — Ўзбекистон таълим, илмий-тадқиқотлар олиб бориш, академик алмашинувлар ҳамда хорижий университетлар билан ҳамкорликда таълим ва илмий марказлар яратиш борасидаги халқаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан ўз йўлини изчил амалга ошираётганидан далолатдир.

Вагиненген университети Сув ва иқлим масалалари бўйича тадқиқот марказининг директори, профессор В.Кофино ўтган йили Ўзбекистонда бўлгани чоғида юртимиздаги илм-фан соҳаси имкониятларидан ғоят таъсирланганини қайд этди. «Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эгадир, қадим замонлардан буён ўзбек заминида жаҳон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшган жуда кўп буюк олимлар яшаб ижод этганлар», деди нидерландиялик профессор.

**А. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Брюссель.

**Янги нашр**

***Пойтахтимиздаги "RadissonSAS" меҳмонхонасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури ташаббуси билан нашр этилган "Опа-сингил суҳбати ёхуд аёл аёл наздида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

# Аёл қалбига йўл

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида жамият ҳаётида аёлларнинг мавқеи ошди, хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Мазкур тўплам учун шу йилнинг январь ойида "Энг яхши мақола" танлови эълон қилинган эди. Унда 60 нафарга яқин журналист аёллар ўз публицистик чиқишлари билан иштирок этишди. Тўпламга энг яхши деб саралаб олинган 31 нафар муаллифнинг очерк, интервью, эсселари киритилган.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Анжуман**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

# Ёш олимлар кенгашдилар

Солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришга доир энг муҳим устувор вазифаларга бағишланган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Солиқ академияси ректори Э.Гадоев мамлакатимизда солиқ сиёсатини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда ўтган мажлисидаги маърузасида иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш масаласи биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар сифатида белгилаб берилди.

Мамлакатимизда солиқ сиёсати йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Солиқ соҳасида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг судлар орқали амалга оширилиши, солиқлар юкининг сезиларли даражада камайтирилиши, солиқларнинг унификация қилиниши, текширувлар сонининг кескин қисқартирилиши иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилаётир.

Анжуманда солиқ юкини камайтиришда акциз солиғининг ўрни, солиқ сиёсатида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқ бошқарувини такомиллаштиришнинг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**(ЎзА).**


Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

**«НАВОИЙ НЕФТЕБАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ**

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

**танлов савдосини эълон қилади:**

**«Навоий нефтебазаси» унитар корхонасининг Қизилтепа филиали ҳудудидаги автомашина ва тракторларга мўлжалланган гаражни реконструкция қилиш.**

*Реконструкция ишларини якунлаш муддати — 2007 йил 1 октябрь.*
*Буюртмачи — «Навоий нефтебазаси» унитар корхонаси.*
*Манзил: 706800, Навоий шаҳри, Лермонтов кўчаси, 4-уй.*
*Телефон: (8 436) 225-59-33.*
*Молиялаштириш корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

**Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85.**

*Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 минг сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.*

650Н/784



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**



**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**





# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Номзодлар баҳси

**Франция Президентлиги учун курашаётган икки номзод — Николя Саркози ва Сеголен Руаяль телебаҳс ўтказишди.**



Улар мамлакатдаги ишсизлик муаммоси, иқтисодиёт, қонунчилик ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларида ўзаро фикр алмашдилар. Тортишув деярли икки соат давом этди ва бевосита эфирга узатилди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, номзодлар ўртасидаги баҳс-мунозарани 20 миллион нафарга яқин франциялик кузатиб борган. Руаяль Саркозининг ҳукумат таркибидаги фаолиятини танқид қилди. Бунга жавобан эса Саркози Руаяль партиясининг қарашларига эътироз билдирди.

## Ироқ масаласида халқаро конференция



Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Ироқдаги вазиятни барқарорлаштиришга ва мамлакат иқтисодиётини тиклашга бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Унда Ироққа қўшни бўлган Эрон ва Сурия, «Катта саккизлик давлатлари» ҳамда ЕИ делегацияси иштирок этаяпти..

Музокараларнинг асосий қисми бугун бўлиб ўтади. Унда БМТ томонидан тақдим этилган Ироққа ёрдам кўрсатиш дастури режаси 60 та давлат вакиллари томонидан тасдиқланиши кутилаяпти.

## Музокаралар боши берк кўчада

**АҚШ Президенти Жорж Буш демократлар етакчилари билан Ироқдаги уруш ҳаракатларини молиялаштириш масаласида ўтказаётган музокаралари боши берк кўчага кириб қолди.**

**Таъкидлаш керакки, бундан икки кун олдин Ироқдан америкалик ҳарбийларни қайтариш тўғрисидаги қонун лойиҳаси АҚШ Конгрессининг иккала палатаси томонидан ҳам тасдиқланиб, Оқ уйга жўнатилганди. Бироқ мамлакат президенти ушбу ҳужжатга нисбатан вето қўллади. Ветони бекор қилиш масаласи Вакиллар палатасида овозга қўйилди, лекин демократлар етарлича овоз олишмади. Вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелоси Жорж Бушни АҚШ фуқароларининг хоҳиш-истагини эътиборга олмаётганликда айблаб чиқди.**



## Таъмирлаш ишлари бошлангани сабаб

**Россиядан Эстонияга темир йўл орқали нефть маҳсулотлари ва кўмир етказиб бериш техник сабабларга кўра тўхтатилди. «Россия темир йўллари» компанияси матбуот хизматининг билдиришича, шу йилнинг 1 майидан эътиборан Октябрь темир йўл участкасида таъмирлаш ишлари бошланган ва шу муносабат билан поездлар ҳаракати қисқартирилган.**

## Депутатлар рози



Руминия парламенти мамлакат ҳудудига Америка ҳарбий базасини жойлаштириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Ушбу масалани 285 депутатдан 257 нафари қўллаб-қувватлаб овоз берди. РИА «Новости»нинг хабар беришича, Пентагон Руминияга уч минг нафар аскар жўнатишни режалаштирмоқда.

## Йозеф Блаттер қарори

Хабарингиз бор, футбол бўйича 2010 йилда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида ўтказилиши кўзда тутилганди.

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттер чемпионат ўтадиган жой ўзгариши мумкинлигини айтган. Чунки мамлакатда жаҳон чемпионати муносабати билан барпо этилаётган стадионлар қурилиши жадвалдан анча орқада қолмоқда. Бундан ташқари, янги меҳмонхоналар қуриш, транспорт коммуникацияси масалалари ҳам ижобий ҳал этилмаяпти.

— Ўтган йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатига тайёргарлик жараёнида ҳам худди шундай ҳолат кузатилганди. Лекин, мутасаддилар уни тезда бартараф этишди, — дейди Й. Блаттер. — Агар муаммо ечимини топмаса, жаҳон чемпионатини бошқа давлатга кўчиришга мажбур бўламиз. Чунки, ҳозирнинг ўзида Англия, Испания, Австралия, АҚШ, Мексика ва Япония давлатлари мундиалга мезбонлик қилишга тайёр турибди.

## Собиқ элчи қамоқда

Эроннинг Германиядаги собиқ элчиси Ҳусайн Мусавян мамлакат хавфсизлик ходимлари томонидан қамоққа олинган. У Маҳмуд Аҳмадинежад ҳокимият тепасига келгунга қадар мамлакатнинг ядровий дастури юзасидан Ғарб давлатлари билан музокаралар олиб борган эди. «Би-Би-Си» хабарида Ҳусайннинг нима сабабдан ҳибсга олингани айтилмаган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Президентимизнинг Қарори асосида ташкил этилган «Ипотекабанк» «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламдаги хизматлар кўрсатиб келмоқда. Бу хизматлар миллий ва хорижий валюталарда депозитларни жалб этиш, истеъмол кредитлари бериш, миллий валютадаги пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, валюта айирбошлаш амалиётларини бажариш ва бошқа вазифаларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, мазкур молиявий муассаса жисмоний шахсларга ҳам етмишдан зиёд турдаги хизматларни тақдим этмоқда.***



# «ИПОТЕКАБАНК»: ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

## ЯКУНДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2006 йилда банк ўз фаолиятини иқтисодиётнинг жўшқин ривожланиши ҳамда бозор islоҳотлари жараёнининг чуқурлашуви шароитида олиб борди. Қулай макроиқтисодий шарт-шароит эса унинг муваффақиятли ишлаши учун кенг имкониятлар яратди. Натижада банк бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади.

Аввало, банк филиаллари ва шохобчаларининг кенг тармоғи яратилгани, уларнинг узлуксиз ишлаши таъминлангани 2006 йилда мижозлар сафини анча кенгайтириш имконини берди. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган хўжалик юритувчи субъектлар умумий сони 55 мингтадан ошгани, бу аввалги йилдагига нисбатан 6,8 мингта кўплиги шундан далолат беради. Хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг асосий қисми эса чакана мижозларга тўғри келади. Улар жорий йил бошига келиб, 649 мингтадан ортди. Бу ҳолат банк ўзининг стратегик вазифаларидан бири — аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Гап шундаки, бугунги кунда банкнинг 38 филиали, 150 та мини банки, 600 дан ортиқ жамғарма ва ихтисослашган кассалари фаолият юритаётир. Ўтган даврда, шунингдек, «Ипотекабанк» валюта айирбошлаш ва «Western Union» пул ўтказиш шохобчалари тармоғини ҳам бирмунча кенгайтирди. Ҳозир бу тизимда 147 та валюта айирбошлаш ва 65 та «Western Union» ҳамда 11 та «CONTACT» пул жўнатиш шохобчаси аҳолига хизмат қилаётгани бунинг далилидир.

Оқибатда банкнинг асосий кўрсаткичларида ўтган йилдагига нисбатан ўсиш кузатилди. Хусусан, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, унинг жами капитал маблағи 37,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу, ўз навбатида, банк ресурс базасининг сезиларли даражада мустаҳкамланишига олиб келди, банк рақобатбардошлиги ва молиявий мустақиллигини ошириб, барқарорлигини таъминлади.

Банк устав капиталини 11,0 млрд. сўмга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ижобий якунланиб, янги эмиссия акциялари тўлиқ жойлаштирилди. Бу ҳолат банк акцияларининг жозибадорлигини, банкнинг даромадлилик даражасини кўтариш имконини яратди. Банк акциялари эса Фонд биржасида олий категорияли акциялар қаторида йил давомида номинал қийматидан юқори баҳоларда сотилди.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, шунингдек, банк активлари 442,9 млрд. сўмга етди. Бу аввалги йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўпдир. Банк активларининг кескин ошишини унинг кредит портфели ҳажмининг кўпайиши билан изоҳлаш керак. Эътиборлиси, банк активлари таркибида кредит амалиётлари салмоқли улушга эга. Бундай амалиётлар барча активларнинг 38 фоизини ташкил этади. Кредит амалиётлари қиёсий салмоғининг катталиги эса молиявий хизматлар бозорида банкнинг ўз ўрни борлигидан далолат беради. Зеро, унинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг базавий тармоқларини, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни, кичик бизнесни ривожлантиришдан иборатдир.



Маълумки, активлар ва мажбуриятларни бошқариш банкнинг тариф сиёсати билан узвий боғлиқ. Шу боис банк томонидан, айниқса, депозит операцияларини бажаришда фоиз ставкаларининг мослашувчан бўлишига катта аҳамият берилди. Бу эса банк мижозларининг кўпайиши ва банкнинг нуфузи ошиши учун хизмат қилди. Бундай натижаларга эришишнинг яна бир омили шуки, банкнинг депозитлар бўйича фоиз ставкалари юридик ва жисмоний шахслар учун турлича ишлаб чиқилгани ҳисобот йилида банк депозит базаси 77,8 млрд. сўмга ёки салкам 77 фоизга ошишига ва 334,7 млрд. сўмни ташкил этишига имкон яратди, Унинг 50,9 млрд. сўми эса аҳолидан жалб қилинган депозитларга тўғри келади.

**«Ипотекабанк» активлари динамикаси (млрд. сўм миқдорида)**




## КРЕДИТЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ

Банк томонидан 2006 йилда ҳам ипотека кредитлари бериш тизимини янада кенгайтириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бунда, айниқса, «Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонун ипотека муносабатларининг ривожига хизмат қилиб, банкнинг айни шу хизмат тури учун ҳуқуқий замин яратди.

Хабарингиз бор, одатда уй-жой сотиб олишни ипотека кредити билан молиялаштириш — жаҳонда анча кенг ривожланган ва турар жой қурилишига инвестиция йўналтиришнинг энг ишончли ҳамда синалган йўлларидан бири ҳисобланади. Сабаби — ипотека кредитлари аҳолининг турар жой шароитини яхшилаш, уларнинг даромадларини ошириш, молия муассасаларига яхшигина даромад келтириш, қурилиш ва шу мақсадда маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг иқтисодий ўсиши, янги иш ўринларини кўпайтириш учун муҳим омилдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сонли Қарори қабул қилингани айни муддао бўлди. Ушбу Қарор асосида 2006 йилда банкнинг республика минтақаларида фаолият кўрсатаёган филиаллари орқали жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш ва уларни таъмирлаш мақсадлари учун ўз маблағлари ҳисобидан қарийб 7 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Бунда, табиийки, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва таклифларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни чоғда аҳолига «Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини, ипотека кредитларининг афзалликлари ва имкониятлари ҳамда кредитларни олиш ва қайтариш шартларини тушунтириш мақсадида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида конференция ва давра суҳбатлари ташкил этилаяпти, жойларда тегишли ҳокимиятлар билан бирга семинарлар уюштирилмоқда, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса ёш оилаларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ипотека ва истеъмол кредитлари имтиёзли шартлар асосида ажратилаётир.

Республика ҳудудларида ипотека кредитларига бўлган талабни ўрганиш учун, шунингдек, вилоят марказлари, туманлар, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилишига ажратилган ва ажратилиши режалаштирилаётган ер майдонлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан эса мамлакат аҳолиси сони, меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд бўлган аҳоли ва уларнинг уй-жой фонди билан таъминланганлиги ва охирги йилларда қуриб битказилган уй-жой фонди тўғрисидаги маълумотлар олиниб, таҳлил қилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан республика бўйича тугалланмаган қурилишлар инвентаризация қилиниб, уларнинг рўйхати олинган. Ҳозирги кунда ушбу тугалланмаган қурилишлар биноларини маҳаллий ҳокимликлар билан кўп қаватли турар жой бинолари сифатида қуриш бўйича ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниб, уй-жойларнинг замонавийлиги ва шинамлигини таъминлаш, уларнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш учун лойиҳа институтлари билан ҳамкорликда вилоят маркази, туман ва қишлоқ жойларга мос лойиҳа-смета ҳужжатлари, чизмалари ва харажатларининг намунавий нусхалари тайёрланаётир.

Вилоят ҳокимликлари томонидан ер ажратиш, қурилиш корхоналарини танлаш масалалари, банк томонидан ушбу қурилиш ташкилотларини кредитлаш ва қуриладиган уй-жойлар бўйича жисмоний шахсларга ипотека кредитларини бериш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчасини ривожлантириш юзасидан ҳам чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, улар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ҳозирда банк мутахассислари уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича, маҳаллий анъаналардан келиб чиқиб, республикамизда ипотека кредитлари бериш тизимини такомиллаштирмоқдалар, банк томонидан хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш бўйича ҳам ишлар олиб бормоқдалар. Халқаро молия корпорацияси, «KfW» Германия банки, Осиё Тараққиёт банки вакиллари билан музокаралар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Шулардан келиб чиқиб, ўтган йили банк томонидан қурилиш билан шуғулланадиган 244 та корхонага жами 22,7 млрд. сўмлик, замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 83 та корхонага эса жами 14,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

## КОРПОРАТИВ ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Ҳозирги кунда «Ипотекабанк» Ўзбекистон молиявий бозорида корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш борасида олдинги ўринларда туради. Унинг хизматидан фойдаланувчи корпоратив корхона ва ташкилотлар сони 55 мингдан зиёдлиги бунинг исботидир. Бу 2005 йилдагига нисбатан 6,8 мингта кўпдир.

Одатда корхоналарга хизмат кўрсатувчи банкнинг обрў-эътибори мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда таклиф этилаётган банк хизматларининг хилма-хиллиги билан изоҳланади. Булар — айланма сармоя ва асосий сармояни молиялаш, конвертация хизматлари, корпоратив қимматли қоғозлар андеррайтинги, қимматли қоғозлар билан воситачилик (брокерлик) операциялари, лойиҳалар ва савдони молиялаш, «Банк-мижоз» масофадан хизмат кўрсатиш тизими каби хизматлардан иборатдир.

Шу маънода, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк кредит портфели ҳажми 164,3 млрд. сўмни ташкил этди. Унинг асосий қисми — 59,4 фоизи узоқ муддатли кредитларга тўғри келди.

***Қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ал-Қизил-Тош» корхонаси банкнинг мадади билан хомашё базасини кенгайтириб, қурилиш корхоналарини ўз маҳсулоти билан таъминлаб келмоқда. Натижада бу корхона томонидан 147,7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 869,7 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди.***

2006 йил мобайнида, шунингдек, корхоналар фойдасига очилаётган экспорт аккредитивлари бўйича тушумлар ҳисобига факторинг хизматлари кўрсатиш йўли билан экспорт контрактларини молиялаш схемаси, савдони молиялаш воситаси сифатида кафолатлар бериш амалиётлари ривожлантирилди.

Кредит хатарларини минималлаштириш мақсадида эса бултур кредит портфелини тармоқ бўйича диверсификациялаш ишлари амалга оширилди. Кредит қўйилмалари кўпроқ республика учун ижтимоий муҳим лойиҳаларга йўналтирилди. Хорижий валюта ва миллий валютада кредит берилаётганда асосий эътибор саноат, савдо ва қурилиш билан боғлиқ иқтисодиётнинг реал соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналарга қаратилмоқда.

**Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тақсимоти**




## КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

2006 йилда банк кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бунинг натижаларини маҳаллий маҳсулотлар импорт товарларни дадил сиқиб чиқараётган дўконларимиз пештахталарида, шунингдек, юксак даражали хизмат кўрсатиш соҳасида кўришимиз мумкин.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Ипотекабанк» тизимида 45 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатиб келмоқда. Яъни уларнинг сони аввалги йилдагига нисбатан 10 мингтага кўпайди.

***«Тони Грин» корхонасига берилган 500 млн. сўмлик кредит туфайли бу ерда консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот нафақат ички бозор, балки экспортга ҳам жўнатилади.***

Банк жами кредит қўйилмаларининг қарийб 40 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини бошлаш, кенгайтириш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига сарфланди. Жумладан, банк ўз маблағлари ва жалб этилган ресурслар ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 65 млрд. сўмга яқин маблағ ажратди. Шунинг ҳисобига 2,9 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлар орасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантириш учун банк йўналтираётган микрокредитларга бўлган талаб тобора кучаймоқда. 2006 йил давомида банк барча молиялаш манбаларини жалб этган ҳолда, 5,1 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратди. Бу хизмат тури қишлоқ жойларда, айниқса, кенг оммалашган бўлиб, у ерда фермер ва деҳқон хўжаликлари бундан бажонидил фойдаланишмоқда. Чунончи, ҳисобот даврида банк томонидан 2,7 млрд. сўм (микрокредитлар умумий суммасининг 50 фоизидан кўпроқ қисми) ушбу шўъбага йўналтирилди. Шу тариқа микрокредитлар қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бераяпти, янги мулкдорлар синфини кенгайтираётир.

## ЯПОН-ЎЗБЕК ДАСТУРИ

Республикамиз тадбиркорларига бизнес фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, улардан бири кичик бизнес субъектларини Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси орқали Япон-Ўзбек кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича микрокредитлашдир.

Банк 2006 йилда ушбу дастурни бир қатор филиалларида ҳам жорий қилиш орқали ўз фаолиятини кенгайтирди. Дастур доирасида эса жами 20,9 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредит портфели қолдиғи 4,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Ажратилган кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. ЕТТБ дастури асосида кредитлашнинг афзаллиги шундаки, расмийлаштириш ишлари мақбул даражада соддалаштирилган, аниқроғи, кўп ҳужжат талаб қилинмаган ҳолда, кредитни қисқа муддат ичида олиш мумкин.

Ҳозиргача «Ипотекабанк» шу турдаги кредитларни Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида йўлга қўйган эди. Жорий йилда эса яна бир нечта филиалларда ушбу кредитлашнинг замонавий тури амалиётга татбиқ қилинади.

## АГРАР СОҲА РИВОЖИ УЧУН

Ўтган йили банкда давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони 4500 дан зиёдни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан 1300 тага ёки 40,6 фоизга кўп. Уларга ажратилган кредитлар миқдори эса жами 17,9 млрд. сўмга етди. Бу аввалги йилдагига таққослаганда 7,1 млрд. сўмга ёки 166,6 фоизга ортиқдир. Натижада бултур қишлоқ хўжалиги корхоналари давлатга 69 минг тоннадан зиёд дон, 119 минг тоннадан кўп пахта топшириб, қарийб 36 млрд. сўмдан кўпроқ даромад олишга эришдилар.

***Банк ўз маблағи ҳисобидан «Суфат & Д» корхонасига 49,9 млн. сўм кредит ажратган эди. Корхона Самарқанд вилояти аҳолисини товуқ гўштига ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

2006 йил давомида, шунингдек, банк томонидан фермер хўжаликларига жами 2,8 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар қишлоқ хўжалиги техникаси, яъни ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ўрадиган комбайнлар сотиб олиш учун йўналтирилди. Бундан ташқари, чорва моллари харид қилиш учун «Ипотекабанк» томонидан 2210 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга 1,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

## ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ



Бу банк амалиётида мураккаб операциялардан бири бўлиб, ушбу мақсадлар учун хориж инвестициялари ва кредит линиялари жалб қилинмоқда. 2006 йилда, айниқса, «Ипотекабанк» ўзининг хорижий ҳамкорлари билан музокараларни янги босқичга олиб чиқди, янги шартномалар тузиш мақсадида ЕТТБ, ОТБ, ХМК, ИТБ, «KfW» Германия банки, «ХипоФерайнсбанк», «Банк Гезельшафт»лар билан учрашувлар ва музокаралар олиб борди. Айни чоғда «ХипоФерайнсбанки», «Банк Гезельшафт» ва «Коммерцбанк»ларнинг кредит линиялари жалб қилинган бўлиб, ана шу маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга валюта кредитлари ажратилмоқда.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Ипотекабанк» томонидан умумий миқдори 46,5 млн. АҚШ доллари миқдорида 25 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. «Чимён-Чорвоқ» спорт-соғломлаштириш комплексида «Чорвоқ оромгоҳи» дам олиш мажмуаси, Тошкент шаҳри телефон тармоқлари, «Тошкаятекстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ва «Крокус Люкс» масъулияти чекланган жамияти шулар сирасига киради.

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

«Ипотекабанк» йирик эмитент ва инвесторлардан бири ҳисобланиб, у бирламчи дилер сифатида давлат қимматли қоғозлар бозори ҳамда корпоратив облигациялар бозорида фаол қатнашиб келмоқда. «Тошкент» Фонд биржасида 182-рақамли брокерлик идорасига эга.

Банкнинг инвестициялар портфели иқтисодиётнинг 9 та соҳаси бўйича диверсификацияланган. 2006 йил давомида ушбу портфелнинг самарадорлигини ошириш юзасидан қатъий чоралар кўрилди. Натижада банкнинг қимматли қоғозлар портфели салкам 20 млрд. сўмга етди.

Банкнинг инвестиция сиёсати қимматли қоғозларга пул ресурсларини жойлаштириш орқали барқарор даромадни, ликвидлик ва хавф-хатарнинг аниқ даражасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Инвестиция портфелини диверсификация қилиш мақсадида банк маблағлари 2006 йилда асосан молия соҳасига берилди (инвестиция портфелининг 48,7 фоизини ташкил этади). Бундан ташқари, банк инвестицияси қурилиш, савдо, нефтни қайта ишлаш ва бошқа соҳаларда ҳам мавжуд.

Акциядорлик жамиятларини самарали бошқариш, молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш, шунингдек, корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш ва фойдасини кўпайтиришда ҳам «Ипотекабанк» улар фаолиятида акциядор сифатида фаол қатнашиб келмоқда, эмитентларнинг молиявий ҳисоботлари мунтазам равишда мониторинг қилинмоқда.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Банкнинг ўз мижозлари ташқи иқтисодий фаолиятига хизмат кўрсатиши стратегик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис «Ипотекабанк» ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув орқали валюта амалиётлари бўйича хизматлар ҳажмини кенгайтириб, икки томонлама фойдали ҳамкорликка интилмоқда.

2006 йилда Россиянинг «Промсвязбанк»и ҳамда Швейцариянинг «Credit Swiss» банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди. Осиё минтақаси билан янада кенгроқ ва самаралироқ иш олиб бориш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк»и билан 17,3 млн. АҚШ долларлик шартнома имзоланди. Мазкур маблағ республикамизда уй-жой фондини иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагич асбоблари билан таъминлаш лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилади. Шунингдек, Ислом Тараққиёт банки билан келишув меморандумига эришилди. Унга кўра, кичик бизнес субъектлари лизинг асосида зарур асбоб-ускуналарни сотиб оладилар.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, умуман, банкда 958,6 млн. АҚШ долларилик 920 дан ортиқ экспорт шартномаси ва 1 186,5 млн. АҚШ долларилик 2900 дан зиёд импорт шартномаси рўйхатга олинди.

## ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

2006 йилда банк чакана бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун изчил фаолият юритди. Жисмоний шахсларга таклиф этиладиган хизматлар ва маҳсулотларни диверсификациялаш ҳисобига мижозлар базаси кенгайтирилиб, аҳолининг депозит ҳисобварақларига жалб этилган маблағлар ҳажми кўпайтирилди.

Хусусан, омонатлардаги аҳоли маблағлари ҳажми 17,4 млрд. сўмга ошиб, 50,9 млрд. сўмга етди. Муддатли омонатларнинг ўртача қолдиғи банк бўйича 70 фоизга кўпайиб, 33,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Нақд пул маблағларини банкка жалб қилиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида эса «Ипотекабанк»да экспресс тўлов карталарини жамғарма кассалари орқали сотиш йўлга қўйилди. Ҳозирда банк филиалларида уяли алоқа компанияларининг экспресс тўлов карталари жамғарма кассалар орқали аҳолига етказилмоқда.

Шу билан бирга, банкнинг ихтисослашган кассалари ва мини банклари тармоғи кенгайтирилмоқда. Уларда омонатлар очиш ва бу омонатлардаги маблағларни эгаларига фоизлари билан бериш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш каби хизматлар тақдим этилаяпти. Якунланган йилда ушбу кассаларда аҳолидан турли хил тўловлар учун 227,1 млрд. сўм нақд пул маблағлари қабул қилинди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 65,1 млрд. сўм ёки 40,2 фоиз кўпдир.

Ўтган йили, шунингдек, банк томонидан жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор ва маиший техника товарлари сотиб олиш ва хизматлар учун жами 439,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

«Ипотекабанк» «Western Union» тизими орқали аҳолига дунёнинг барча давлатларига пул ўтказиш хизматини ҳам кўрсатиб келмоқда. Ҳисобот йилида 40 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ мамлакатимиздаги мижозлар ҳисобварақаларига хориждан келиб тушгани, жисмоний шахсларнинг 4,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари юртимиздан хорижга жўнатилгани бунинг тасдиғидир.

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Ўтган йили «Ипотекабанк»да умумий транзакциялар сони 1,5 миллионтага яқинлашиб, аввалги йилдагига нисбатан 550 мингтага кўпайди. Жами айланмалар миқдори 74 млрд. сўмга етди. Агар 2005 йилда ушбу кўрсаткич 41 млрд. сўмни ташкил этгани ҳисобга олинса, бу аҳолининг банкларга бўлган ишончи ўсиб, халқимиз ҳаётига илғор технологиялар кўпроқ кириб бораётганлигидан далолат беради.

Банк чиқарган карточкалар сони эса 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 400 мингтага етди. Бу аввалги йилнинг шу давридагига таққослаганда 100 мингта кўпдир.

**«Ипотекабанк» пластик карточкалари сонининг ўсиш динамикаси**




Йил якунларига кўра, пластик карточкаларда турғун сақланаётган маблағлар 4,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2005 йилдагига нисбатан 2,8 млрд. сўм ортди. Шунингдек, 2006 йилдан бошлаб пластик карточкалар билан амалиётлар бўйича янги маҳсулот — овердрафт кредит карточкалари ҳам таклиф этилмоқда.

## САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — ЖАМОА ТАЯНЧИ

«Ипотекабанк» кадрлар сиёсатининг бош мақсади — банкнинг ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, иқтисодий маълумотга эга иқтидорли ходимларни ишга жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш ва жой-жойига қўйишдан иборат. Шунинг учун «Ипотекабанк» ўз фаолияти давомида профессионаллар командасини шакллантирмоқда. Уларнинг малакасини, ишга қизиқишини, ижтимоий ҳимояланишини ҳамда корпоратив қадриятларга содиқлигини ошириш мақсадида аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда «Ипотекабанк» тизимида 4500 дан ортиқ ходим хизмат қилмоқда. Шундан салкам 2400 нафари менежер ва мутахассислардир. Ушбу ходимларнинг қарийб ярмини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

2006 йил мобайнида 550 дан ортиқ банк ходимлари Малака ошириш ўқув маркази, Банк-молия академияси, Ўзбекистан Республикаси Давлат ва жамият қурилиши академияси, Минтақавий банк ўқув маркази, шунингдек, турли хорижий ўқув юртларида ўз малакаларини оширдилар. Бундан ташқари, «Ипотекабанк» ходимлари мунтазам равишда турли халқаро ва республика миқёсидаги банк семинарлари, трейнинг-курслар ва конференцияларда иштирок этмоқдалар. Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт факультетларида таҳсил олаётган энг яхши талабалар эса банк муассасаларида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўтаяптилар.

Келгусида ҳам иқтидорли шахсларни аниқлаш, ходимлар салоҳиятидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш, улар учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиш — банкнинг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги стратегияси бўлиб қолаверади. Жамоа эса уларга таянган ҳолда, ўз мижозларига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатаверади.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

Спорт

## Ҳамюртларимиз — ғолиб

***Стол тенниси бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилган йирик халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.***

Унда дунёнинг 24 давлатидан келган юздан ортиқ стол тенниси усталари навбатдаги жаҳон чемпионати йўлланмаси учун баҳс юритдилар. Шу сабабли ҳар бир учрашув муросасиз кечди. Аҳамиятлиси мусобақада уч нафар ҳамюртимиз — Нодира Бурҳонхўжаева, Евгений Груцкий ва Зоҳид Кенжаев жорий йилнинг декабрь ойида АҚШда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олишди. Жуфтлик беллашувларида Евгений Груцкий ва Зоҳид Кенжаев кумуш медаль билан тақдирланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ**

## Зайниддин Грецияга боради

***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида самбо бўйича фахрийлар ўртасида республика чемпионати бўлиб ўтди.***

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоаларидан 150 нафар фахрий полвон ғолиблик учун гиламга тушди. Унда фахрий полвон, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг бош мутахассиси, спорт устаси Зайниддин Ўринбоев (суратда) ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Энди З. Ўринбоев бошқа совриндорлар қатори сентябрь ойида Грециянинг Афина шаҳрида фахрийлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.



**Маҳмуд РЎЗИҚУЛОВ.**



# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда воҳадаги 760 та мактабда 301603 нафар ўғил-қизга белгиланган дастур доирасида сабоқ берилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Қорақалпоғистон аҳолисининг бешдан бир қисми мактаб парталарида келажак алифбосини пухта ўрганмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мактаб таълимини ривожлантиришга юксак эътибор берилаётганлигини Беруний, Элликқалъа, Хўжайли туманлари ва Нукус шаҳри мисолида ўз кўзимиз билан кўрдик.

Жумладан, Беруний туманидаги 11-мактабда бўлганимизда, мазкур ўқув масканининг муҳташамлиги ўқувчилар учун барча шарт-шароит яратилганлигидан баҳри-дилимиз очилди. Ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари фарзандлар учун кўркам мактаблар барпо этилаётганини мамнунлик билан, бир-бирларига гал бермай изҳор қилишаркан, уларнинг кўтаринки кайфияти бизга ҳам юқди.

— Яхшидан боғ қолади, — дейди биз билан суҳбатда Аминбой ота Умрбоев. — Яхши ном қолдириш учун эса, энг аввало, илм-маърифат зарур. Шу маънода, мен ҳурматли Президентимизга чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Фарзандлар келажаги учун қайғуриб, уларга барча-шарт-шароитни муҳайё қилаётганларнинг, илоё, бошлари омон бўлсин. Эртанги кунимиз эгалари, деб ўғил-қизларимизга суянаётган эканмиз, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳам қадрлай билишимиз керак. Нега десангиз, илгари бундай биноларни фақат орзу қилардик. Энди эса энг чекка ҳудудларда ҳам мактаб деса дегулик бинолар қурилаяпти. Ҳа, ушалмас орзуларимиз руёбини кўраяпмиз. Тағин нима керак бизга?!

Аминбой ота билан анча суҳбатлашдик. Аслида отахоннинг самимий дил изҳорлари бежиз эмас. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Фарзандлар келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат" экан, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбига нур олиб кираётгани аниқ.

Беруний тумани ортда қолди. "Элликқалъа туманига хуш келибсиз!" деб ёзилган улкан дарвозадан ўтамиз. Туман ҳокими Неъматилло Худойберганов бошчилигидаги мезбонларни кўргач, автоуловлардан тушдик. Нон-туз татиб кўрилгач, кутилмаган ҳолат рўй берди. Ёш йигит-қизлар турли хорижий тилларда меҳмонларни кутлаб, ўзларининг шеър ва лапар айтиш, рақсга тушишдаги истеъдодларини намойиш этдилар. Бу ёшлар туман халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган "Тил маркази" тўгарагининг ўқувчилари экан. Уларнинг хорижий тилларда гаплашаётганидан завқ оласан киши. Ҳукуматимизнинг таълимга қаратаётган эътибори мевасидир бу. Умуман, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий юксалиши, маънавий камолотида Элликқалъа туманининг ўрни катта. Хусусан, бу ерда умуммиллий дастур ижроси борасида мамлакат миқёсида оммалаштирса арзийдиган тажриба тўпланганини анжуман қатнашчилари ҳам якдиллик билан тасдиқладилар. Бу ердаги "Устозга эҳтиром" мажмуаси тумандаги бошқа иншоотлардан ажралиб туради. Чунки бу мажмуада илму маърифат тимсоли — ўқитувчига рамзий ҳайкал ўрнатилган. Сафар давомида ана шу мажмуа зиёрати ҳам режага киритилган эди. Шунинг учун кўпчилик бу ерни янги қурилган одатдаги хиёбонлардан бўлса керак, деган фикрда эди. Ҳайкалнинг қайси касб эгалари шарафига ўрнатилганидан воқиф бўлишгач, меҳмонларнинг қулфидили очилиб кетди. Ҳайкал пойига гул қўйилди, эсдалик учун суратга тушилди. Ҳайкални бунёд этишда бош-қош бўлганларга чексиз миннатдорчилик билдирилди. Умуман, Элликқалъа туманига ташриф буюрган меҳмон борки, "Устозга эҳтиром" мажмуасини албатта зиёрат қилади. Зотан, ўқитувчи она каби азиз ва муқаддаски, у доимо юксак эҳтиромга муносибдир...

Мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларга давлат миқёсида ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, ота-она меҳридан мосуво болаларга ғамхўрлик қилиш борасидаги эзгуликларнинг қиёси йўқ. Жорий йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталиши эса бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш



учун муҳим дастуриламал бўлди. Хўжайли туманидаги 1-сонли "Меҳрибонлик уйи"га кираверишда Президентимизнинг: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзлари кўзга ташланади. Ичкарига кириб, спорт зали, бассейн, футбол майдони, хуллас, яратилган шарт-шароит ана шу қанотбахш жумлага ҳар томонлама уйғун эканлигига амин бўласиз. Болаларга малакали тарбиячилар бош-қош. Ҳар бир бола олий тоифали шифокорларнинг кундалик назоратидан ўтишади. Давлатимиз раҳбарининг совғаси — "Самавто" автобуси эса "Меҳрибонлик уйи"даги фаолиятга берилган энг юксак баҳодир, албатта.

— 159 нафар тарбияланувчининг ҳар бири ўзига хос дунё, — дейди катта ҳамшира Галия Аҳмедова. — Улар билан суҳбатлашиб, дунёқарашига, фикрлашига қойил қолишингиз аниқ.

Галия Аҳмедованинг гапи охирига етмай туриб, ёнимизга бир бола келди.

— Ёшим 11 да, — деди у кўришиш учун қўлини узатиб. — Исмим Аҳмад, фамилиям Сарсенбаев. Мен катта бўлсам, аскар бўлмоқчиман...

Сўрамасак ҳам, дабдурустдан ўзининг эзгу орзу-ниятлари билан ўртоқлашаётган болакай бизни қизиқтириб қўйди. Аҳмад: "Бу ерга мени онам олиб келган" деб гап бошлаганида, хафа бўлма, ҳаммаси яхши бўлади, дея ўзимизча овунтираётган эдик, у шартта-шартта гапида давом этди:

— Йўқ, мен хафа эмасман. Онам касал эдилар. Мени ўйлаб, бу ерга топширдилар. "Меҳрибонлик уйи"да шароит зўр. Аскар бўлсам, Ватанимга хизмат қиламан. Синовларга шай туриб, онамга ўхшаганларни қўриқлайман!

Бундай покиза истагу ниятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Чунки "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётганларга ота-она меҳридан кам бўлмаган мурувват кўрсатилади. Шунинг учун бўлса керак, ёшидан қатъи назар, болажонларимиз ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни дил-дилдан ҳис қилишади. Аҳмаджонга ўхшаб, келажакка муносиб авлод бўламиз, деб ваъда беришади.

Мактаб — миллатнинг муқаддас маскани. Унда эртанги кун учун, давлат тараққиёти учун хизмат қиладиган авлод таълим олади, тарбия кўради. Шунинг учун ҳам мамнуният билан айтамизки, ҳеч бир юртда, ҳеч бир даврда мактаб шаъни, ўқитувчининг қадр-қиммати, эътибори бугунгидек эъзозланмаган. Бундай фикрлар Қорақалпоғистон Республикасида қайта-қайта такрорлангани бежиз эмас. Чунки Президентимиз ташаббуси ва таклифи билан ўқитувчи-мураббийларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани, фарзандларимизнинг мактаб деб аталмиш кўркам кошоналарда таҳсил олишаётгани кўплаб хорижий мамлакатлар томонидан аллақачон тан олинган...

Ёш ва интилувчан авлод!

Улар истиқлолнинг чин фарзандлари бўлиб етишишлари аниқ! Бунга заррача шубҳа йўқ! Чунки умид билан экилган ниҳол, бир куни албатта мева бергуси!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**


КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.**

**Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.**




Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:** | |
| Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р. | 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 |
| ЛКЦ-0 Тошкент ш. | 50-36-79, 380-40-35 |
| КУ-1 Тўйтепа ш. | 21-306, 21-121,186-57-51 |
| КУ-1 ф-л Ангрен | 2-27-61, 186-57-51 |
| ЛТЦ Бекобод | 2-54-11, 316-97-53 |
| **1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:** | |
| Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. | 135-36-59 |
| КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. | 65-80-43 |
| КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. | 168-72-86 |
| КУ-3 Тўйтепа ш. | 168-48-51 |
| **2-ШМАТБ манзили:** Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. | 55-2-24-71 |
| КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. | 61-2-23-66 |
| КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. | 25-08-82 |
| КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. | 22-23-81 |
| КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй. | 52-9-24-55 |
| **3-ШМАТБ манзили:** Гулистон ш., Дўстлик қўр. | 27-16-20 |
| КУ Сирдарё ш. | 57-28-98, 57-34-36 |
| КУ Жиззах ш. | 77-05-27, 6-22-07 |
| ЛТЦ-2 Янгиер ш. | 72-30-28, 72-30-24 |
| **4-ШМАТБ манзили:** Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй. | 33-52-60 |
| **5-ШМАТБ манзили:** Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй. | 223-38-37 |
| **6-ШМАТБ манзили:** Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй. | 222-37-07, 222-00-43 |
| КУ Тўрткўл ш. | 532-30-60, ички 1-42 |
| КУ Беруний ш. | 524-30-60, ички 1-38 |
| **7-ШМАТБ манзили:** Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. | 3-59-07 |
| ЛТЦ-16 Денов ш. | 7-37-62 |
| **8-ШМАТБ манзили:** Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. | 221-02-41 |
| ЛТЦ-15 Ғузор ш. | 55-22-1-67 |
| **9-ШМАТБ манзили:** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй. | 226-36-58, 226-36-33 |
| **10-ШМАТБ манзили:** Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. | 224-75-21 |
| КУ-3 Каттақўрғон ш. | 45-5-24-54 |
| КУ-4 Ғиждувон ш. | 57-2-14-75 |

**Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,**

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали*

289Н/2225


## Жиноят жазосиз қолмайди

***Текин даромад тешиб чиқади, дейди халқимиз. Меҳнатсиз даромад ҳеч қачон яхшиликка буюрмаслиги ҳам тайин. Бунинг устига халқ мулкига кўз олайтирган, ўз нафсидан бошқа ташвиши бўлмаган қўли эгри кимсалар эл-юрт ичида иснодга қолади. Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан «Мелиотрансқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бир қатор мансабдор раҳбарларига нисбатан юритилган жиноят иши материаллари ва шу иш бўйича суд чиқарган ҳукм билан танишган киши хаёлига беихтиёр донишмандларнинг ана шу ҳикматлари келади.***

# ЙЎЛДАН ТОЙГАН ЙЎЛСОЗЛАР

Ҳаммаси 2004 йилда «Гулистон — Гагарин» автомобиль йўлининг 18 ва 30-километрлари оралиғидаги қисмини реконструкция қилиш бўйича ўтказилган тендердан бошланди. Ўшанда тендер ғолиби бўлган «Мелиотрансқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан буюртмачи — «Ўзавтойўл» ДАК ўртасида ушбу таъмирлаш ишларини бажариш ҳақида шартнома тузилган эди. «Мелиотрансқурилиш» бош пудратчи бўлгани учун ушбу буюртмани бажаришга бошқа корхоналарни ҳам жалб қила бошлади. Лекин бунда корхонанинг имкониятлари, ишлаб чиқариш салоҳияти, ишончлилиги каби зарур мезонлар бир четда қолиб кетди. Чунки орага нафс суқилган, текин даромад топиш иштиёқи корхона раҳбариятини тамомила эгаллаб олган эди.

Шундай қилиб, «Мелиотрансқурилиш» кузатув кенгаши раиси Баҳодир Нуриддинов «DAVRON FAYZ SABDO» масъулияти чекланган жамияти директори Александр Савин билан иш битиришга киришиб кетди. Кези келганда айтиб ўтиш керак, ушбу ташкилотнинг фақатгина масъулияти эмас, балки имкониятлари ҳам чекланган, амал-тақал эди. Шу сабаб МЧЖ юқорида кўрсатилган йўлни таъмирлаш бўйича зарур қурилиш ишларини бажариш лаёқати йўқлиги ҳам аввалдан аён эди. Лекин шунга қарамай Б. Нуриддинов бош бухгалтер Л. Шекка йўлни таъмирлаш учун 49 ярим миллион сўмдан зиёд маблағни «DAVRON FAYZ SABDO» ҳисобига ўтказиш ҳақида буйруқ беради. Яна ҳаммасини бирваракайига. Ҳолбуки Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибга мувофиқ, шартномадаги маблағнинг 30 фоизи иш бажарилишидан аввал, 20 фоизи бажарилаётган иш ҳажмига қараб, фақат буюртма тўлиқ бажарилгандан кейингина қолган ярми ўтказиб берилиши керак эди.

Б. Нуриддинов нега корхона ҳисобидан ҳотамтойлик қилди? Бунинг сабаби кейин маълум бўлди. Терговда аниқланишича, А. Савин лоп этиб қўлига тушиб қолган мўмай пулга дарров шакар, ун, совун каби харидоргир молларни сотиб олди-да, уларни нақд пулга бозорда пуллади. Тушган пулнинг 80 фоизини Б. Нуриддиновга қайтариб, қолган қисмини ўзида қолдирди. Аслида чўнтакка урилган маблағни гўёки ўз ўрнида ишлатилгандек қилиб кўрсатиш учун 2005 йилнинг ноябрь ойида бажарилган (аслида бажарилмаган) ишлар ҳақида далолатнома ва бу ишларнинг нархи ҳақида счет-фактура каби қалбаки ҳужжатларни тузиб, тасдиқлаб юборишди.

Корхонадаги юлғичликлар шу билан ҳам якун топмади. Таъмирланиши кўзда тутилган «Гулистон — Гагарин» автомобиль йўлига яқин жойдаги «Бунёд» темир-бетон буюмлари заводининг назорат пакети сотиб олинди. Корхона ишлаб чиқариш қувватлари анчагина афтодаҳол бўлгани учун бу ерда текин пул қилиб, чўнтакка уришга арзигулик бирор нима қолмаган эди. Шу сабаб қўшимча маблағ тушириш учун заводни реконструкция қилиш ишлари бошланди. Реконструкция бу бир баҳона, асл мақсад мўмай даромад топиш эди. Бу ишни қурилиш менежери Эргаш Мақсудовга топширишди. Ўхшатмагунча учратмас деганларидек, менежер билан танишиб қолган «JALOL OMAD» МЧЖ директори В. Зеленин (ҳозир қидирувда) ҳам юлдузни бенарвон урадиган учарлардан чиқиб қолди. Э. Мақсудовнинг ҳаракатлари билан «JALOL OMAD»нинг банкдаги ҳисобига 40 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказиб юборилди. Бунинг эвазига В. Зеленин гўёки завод реконструкцияси учун ишлатиладиган жами 56 турдаги техник жиҳозларни етказиб берар эмиш. Бироқ, Зеленин бундай ишлар билан бошини қотирадиган инсон эмасди. У «така бўлса ҳам сут берсин», деганлар тоифасидан. Шунинг учун ҳам «Мелиотрансқурилиш» ўтказиб берган маблағни тездагина нақд пулга айлантириб ташлади. Текин даромаднинг 80 фоизини Э. Мақсудовга узатди, қолган 8 миллион сўмдан ортиғини ўз киссасига урди. Э. Мақсудов эса нақд пулга керакли жиҳозларни сотиб олган, қолган 600 минг сўм пулни ўз шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Шунингдек, корхонада бошқа хил суиистеъмолликлар ҳам содир бўлган. Хусусан, 2006 йил июнь ойида келтирилган дизель ёнилғисининг бир қисми гўёки тунда темир идишда занглаш оқибатида ҳосил бўлган тирқишдан оқиб, ер қаърига сингиб кетгани маълум бўлган. Ёнилғининг қолган қисми ўлчаб кўрилганда 4 минг 730 литр кам келган. Моддий масъул шахслар ушбу ҳолатни қонуний расмийлаштириш ўрнига бошқача йўл тутишган. Йўл қурилишида ишлатиш учун 2005 йил апрель ойида Хоразм вилоятидаги аллақаёққадир оқиб кетган ёнилғини 14 ой аввал олиб келинган «КамАЗ»ларга ишлатилган, дея сохта далолатнома тузиб, унга «Хонқа-43» автокорхонаси раҳбарлари номидан имзо ҳам қўйиб юборишган. Шундай қилиб, 906 минг сўмлик ёнилғи камомади теп-текис қилиниб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетаверган.

Юқоридагилардан ташқари юритилган жиноят иши материаллари бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш жараёнида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини атайин пасайтириб кўрсатиш эвазига давлат бюджетига солиқ тўлашда ҳам сохтакорликка йўл қўйилган. Оқибатда жами 57 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўловдан яшириб қолинган.

Албатта, тергов жараёнида бу қонун бузилишлари бартараф этилди. Лекин, энг ачинарлиси, ажратилган каттагина давлат маблағи талон-торож қилингани оқибатида «Гулистон — Гагарин» автомобиль йўлининг 18 ва 30-километрлари оралиғини реконструкция қилиш ишлари вақтида бажарилмай қолиб кетди.

Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқди. Судланувчилар Б. Нуриддинов, Э. Мақсудов, А. Савин, «Мелиотрансқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ривожланиш ва маркетинг бўйича директори Абдусаттор Абдуқодировлар жиноят кодексининг қатор моддаларида кўрсатилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, бюджет интизомини бузиш каби жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Шу билан бирга уларга жазо тайинлашда иш билан боғлиқ оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳам ҳисобга олинди. Шунга кўра А. Абдуқодиров энг кам иш ҳақининг 150 баробари, Э. Мақсудов энг кам иш ҳақининг 300 баробари миқдорида жарима тўлашга ҳукм қилиниб, иккаласи ҳам 2 йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Б. Нуриддинов, А. Савинлардан биргаликда 8 миллион 908 минг сўм, Э. Мақсудовдан 7 миллион 573 минг 848 сўмни давлат фойдасига ундиришга қарор қилинди.

Ножўя йўллар билан текин даромад олиб, чўнтагини қаппайтирмоқчи бўлганлар тегишли жазони олди. Бу эса уларнинг келгуси ҳаёти учун, қолаверса, давлат, жамият мулкига кўз олайтираётган бошқа олғирлар учун ҳам сабоқ бўлишини истардик.

**Алишер ИСЛОМБЕКОВ.**

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси бош директор ўринбосари Одил Олимжоновга ўғли **ЖАҲОНГИРнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси доценти Хисомиддин Илҳомовга падари бузруквори **ШОТУРСУН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик тижорат Турон банки кенгаши, бошқаруви ва жамоаси банк кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Одил Олимжоновга ўғли **ЖАҲОНГИРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5